

Адабий танкидчиликда шўро даври ўзбек адабиётига муносабат масаласи кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани барчага маълум. Кадриятларга янгича муносабат, якин ўтмишда яратилган асарларга тушуниб ёндашишга харакат танкид тамойилларининг янгиланаётганидан далолатдир. Бир пайтлар очик айтишнинг имкони бўлмаган, бир кадар четлаб ўтилган қаҳрамонлар образларига бугунги кун нуктаи назаридан туриб ёндашиш, уларга юкланган гоя, мохият хакида батафсил фикр юритиш имкони танкидий тафаккур кўламини кенгайтираётгани хам сир эмас.

Дарҳакикат, таникли адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов «Бадиийлик — безавол янгилик» китобида ёзганидек, «Биз бадиий асардаги, хусусан, катта насрдаги образларни бирин-кетин тахлил этишга одатланганмиз. Ваҳоланки, бадиий асарда хар бир образнинг аник ўрни, вазифаси, бурчи бор. Бу гап факат бош қаҳрамонгагина таллукли эмас. Шундай қаҳрамонлар борки, улар асарда биринчи вазифани адо этмайдилар. Айни вактда, уларни зинхор иккинчи, учинчи даражали, деб караш хам тўгри эмас».

А.Расулов таъкидлаб айтган бундай образлар шўро даврида яратилган ўзбек романларида талайгина. Улардан бири атоқли адибимиз Одил Ёкубовнинг «Диёнат» романидаги Кудратхўжа образидир. Мазкур асар тахлилига багишланган маколаларда, тадқикотларга бу образга иккинчи, учинчи даражали, деб карапгани маълум. Аслида эса, ёзувчи бу қаҳрамони оркали бутун бир давр фожиасини кўрсатишни максад килгани романни синчиклаб ўкиганда аён бўлади.

«Диёнат» романида эски ракиблар — Нормурод Шомуродов ва Кудратхўжа ўртасидаги тўкнашувлар ижтимоий бурч ва виждон, диёнат ва шафкатсизлик, баҳт ва баҳтсизлик, хаёт ва ўлим хакидаги ўткир психологик кечинмаларга бой. Бу икки ракибнинг илк тўкнашув Нормурод Шомуродовнинг умр йўлдоши Гулсара аянинг маъракасида юз беради. Маъракага эски ракиби Нормурод Шомуродовга таъзия билдириш учун кириб келган Кудратхўжа унга карата «фалсафасини» бошлайди: «Хукуматга гинам йўқ маним. Аммо сен... Эсдан чикадиган иш килдингми ўшанда сен? Ёдингдами, мен кишлоқдан бадарга килинган куни тепада, гумбазли мачит майдонида... бечора Ойниса дод солиб келиб бўйнимга осилганда... — Кудратхўжа кўзлари пирпираб ўрнидан турди. Чувак юзининг кат-кат ажинларига, чукур ботган лунжларига куйилган кўз ёшларини артди. — Кон йиглаб келиб бўйнимга осилганда... эсингдами, жиндак раҳм-шафкат ўрнига... шафкат ўрнига, «Хайданг бу унсурларни!», деб хайкирганинг ёдингдами Нормурод?! ... Шафкат! Шафкат нима килсин сенда?».

Асарда хар гал Нормурод Шомуродовга дуч келганда Кудратхўжанинг кўз ўнгидаги 30-йиллар воқеалари гавдаланади. Хар гал Кудратхўжа ўша даврда коллективлаштириш сиёсатининг нотўгри ўтказилганига шаъма килади, ўзини ўша нотўгри сиёсатнинг ноҳак курбони бўлган киши килиб кўрсатади. Нормурод Шомуродов ва унга ўхшаганларни эса айблайди.

Ёзувчи романда Нормурод Шомуродов ва Кудратхўжанинг бир-бири билан тўкнаш келганидаги рухий холатларини, ички кечинмаларини тиник, таъсирили чизади, айрим деталларга холисона ишора килади. Масалан, бир тўкнашув тасвирида Нормурод Шомуродовнинг долгали, мард, жасур киёфаси ва унинг ракиби Кудратхўжанинг эса викорли, каландимог портрети куйидагича чизилган: «Минг тўккиз юз йигирма тўккизинчи йилнинг совук куз кунларидан бири, кишлоқ ўртасидаги бозор майдонида,

машхур гумбазли мачит олдида одам тирбанд: кишлок кулоклари сургун килинмокда! Коп-хуржунлари билан араваларга ортилиб жўнатилишга шайланган бир гурух бойлар, кулоклар, рухонийлар орасида Кудратхўжа хам бор. Бошида чакмок телпак, эгнида оғир почапўстин, оёгида хром этик, котма, шопмўйлов Кудратхўжа шерикларига ўхшаб обидийда килаётгани йўқ, йигилган оломонга, бири юрак ютиб, бири хадиксираб келган кариндош-уругларга нола килаётгани йўқ, гўё сургунга эмас, кўпдан орзу килиб юрган саёхатга кетаётгандай мўйловини диккайтириб кўкрак кериб турибди. Рўпарадаги оломонга, майдонни курсаб олган отлик милиционерларга, Нормуродга ўхшаган кишлок активларига гўё: «Шошманглар, кўрамиз хали, окибати нима бўлади бунинг!» — дегандек, кўзларини кисиб, жаг пайларини ўйнатиб ёвкараш килади...

Бу галати манзаранинг шоҳиди бўлган бозор майдони гала-говур бўлиб кетди.

Ойнисанинг килигидан туклари тик бўлиб кетган Нормурод милиционерларга: «Хайданг бу ёт унсурларни!» деб буйрук берди, буйрук бераркан, Кудратхўжа акалли энди, фарёд чеккан гўзал хотинини кўрганида ўзгарар, дод деб юборар, деб уйлади. Аммо юзи чўяндай корайиб кетган Кудратхўжа, хотинининг оппок кўлларини бўйнидан шартта узиб, ўзидан итариб юборди-да, биринчи бўлиб отлик милиционерлар олдига тушди...». Кўринадики, Нормурод Шомуродов билан Кудратхўжа орасидаги тўкнашувларда «шафкат» тушунчаси икки хил мохият касб этади, шу боисдан ўтмиш воеалари уларнинг кўз ўнгига икки хил гавдаланади. Профессор Шомуродовнинг кон-конига сингиб кетган «шафкат» тушунчаси ўша давр сиёсати билан бөглиқ, шунга кўра унинг Кудратхўжага муносабатида давр сиёсати белгиловчи куч саналади. Шу сабабли Кудратхўжанинг «юз граммнинг бандасига айланиб», «лунжлари ичига ботиб», «кампирдай» бўлиб колган аянчли ва мискин хол-ахволини кўрганда Нормуроднинг калбида пайдо бўладиган ачиниш узок давом этмайди, бу туйгу бор-йўги бир сониялик, холос.

Кудратхўжа учун эса, одам кандай дин, мазхаб, сиёсий-ижтимоий гурух ёки фирмакага мансублигидан катъий назар, шафкатли ва диёнатли, инсофли ва олижаноб бўлмоги керак! Бошкача айтганда, Кудратхўжа учун одамнинг инсоний мохияти, унинг кандай одам эканлиги жуда мухим ахамиятга эга.

«Хукумат Кудратхўжани озод килди. Аммо... Нормурод Шомуродовнинг фикрича, «ковакларда судралиб, ўрмалаб юришга махкум этилган бу маҳлук эса, дилида хамон хукуматга кек саклайди».

Нормурод Шомуродов ва Кудратхўжа ораларидағи тўкнашувларни факат мафкуравий, ўша давр сиёсатига алокадор тўкнашувлар, деб бўлмайди. Буни ижтимоий бурч ва виждон, диёнат ва шафкатсизлик, баҳт ва баҳтсизлик орасидаги тўкнашувлар, дейиш мумкин.

Маъракада бошланган даҳанаки жанг тобора кескинлашади. Гап шафкат хакида кетар экан, Нормурод Шомуродов: « — Сендайларга шафкат килганимизда, сен... сенлар бизни нима килардинглар?», деганида Кудратхўжа хам айтар гапидан кайтмайди: « — Отар эдим!.. — Унинг ёшли кўзлари туйкусдан кандайдир хайрат аралаш бир нафрат билан чараклаб кетди. — Гумбазли мачитнинг меҳробига тираб, бешотарнинг тигини мана шу хумкаллангга тўгрилаб... отар эдим карсиллатиб!».

Бир-бирига ўдагайлашиб турган бу икки чолнинг ёнига 5-6 яшар ўгилчасини етаклаб, Нормурод Шомуродов яшаётган уйнинг собик эгаси Нодирахоннинг кириб келиши олов устига ёг куйгандек бўлади. Дилдираб турган муштдек чол» Кудратхўжага кайта жон киради:

« — Ўрозкулди келинини танидингми, профисор!.. Бу жой шуларники эди. Жиянинг

Отакўзининг битта писандаси билан шундок жойларини сенга бўшатиб беришди! Тенглик-да, тенглик!..».

Отакўзининг уй эгаларини норизо килиб, тогаси Нормурод Шомуродовга тортиб олиб берган ховли-жой масаласи чоллар орасидаги тўкнашувни янада чукурлаштиради.

« — Бурунда: «Ана олабўжи!», деб кўркитишарди. Энди мана... таксириимнинг жиянлари айтиб кўркитишадиган бўлишди одамлар!.. Ана инсофу, ана адолат! Адолат качон бўптики, энди бўлсин!», дейди Кудратхўжа.

Бундай аччик таънадан сўнг жахлини жиловлай олмай колган Нормурод Шомуродов Кудратхўжага мушт ўқталиб бакиради:

« — Бўлган адолат! Ўша, сен кишлок ўртасида раста-растা дўкон очиб, камбагалларни шилиб кафангадо килган маҳалларда бўлган диёнат!..».

Нормурод Шомуродов ва Кудратхўжа ўртасидаги тўкнашувга гувоҳ бўлган китобхон Кудратхўжадан нафратланмайди, балки унинг хатти-харакатларига ачинади. Негаки, ёзувчи «собик кулок» Кудратхўжанинг ички ва ташки киёфасини холис туриб чизишга эришган.

Асарда Нормурод Шомуродов ва Кудратхўжа ораларидаги сўнгги тўкнашув иккаласи учун хам гоят оғир бир вазиятда содир бўлади. Ўлим олдида энди уларнинг иккаласи хам тенг. Бунинг устига иккаласининг хам хаёти фожеаларга тўла. Нормурод Шомуродов «инкилоб» учун эллик йил хизмат килган бўлса-да, ўз хаёти билан мактана олмайди.

Ёлгиз ўгли, шижаотли ва ўқтам йигит Жаббор лаганбардорларнинг найранглари туфайли урушда курбон бўлади. Бунинг устига жияни Отакўзи билан муносабатлари хам кескинлашиб кетади. Жияни Отакўзининг «кариган чогида иссик-совугидан хабар олиш» ниятида кўчириб келган уйининг эгалари Наимжон ва Нодираларга топшириб, Нормурод Шомуродов кишлок мактабининг бир хонасига кўчиб ўтади...

Ана шундай таранг вазиятда Нормурод Шомуродовдан хол-ахвол сўрашга «бир сават мева-чева кўтариб, Кудратхўжа кириб келади». Табиийки, Кудратхўжа ўзининг эски фалсафасини бошлаб, яна Нормурод Шомуродовнинг «китигига» тегади: «Нормурод Шомуродов инкилоб килган бўлса-ю, охир-окибат унга етишгани мактабнинг бир хужраси бўлса».

Нормурод Шомуродовнинг хам, Кудратхўжанинг хам 30-йиллар хакида, ўтмиш воеа-ходисалари хакида ўз карашлари бор. Уларнинг хар бири ўзини хак, деб хисоблайди. Шунга кўра, бир-бирига нафрати хам чексиз. Нормурод Шомуродов ракибига караб: «...Аммо сенга ўхшаган халк конини сўрган душманлар билан олишганда... ўз баҳтимиз, ўз манфаатимизни ўйламаганмиз биз! Бутун жумлаи-жахон, бутун башарият билади буни», дейди. Шунда Кудратхўжанинг: « Тўгри гап тукканингга ёкмайди, хи-хи-хи», деб масхаромуз кулиши Нормурод Шомуродовни тамоман жунбишга келтиради:

« — Йўкол дейман, ёт унсур! — Нормурод Шомуродов у ёк-бу ёкка тимирскиланиб отадиган нарса кидирди-ю, кўлига илинган ёстиқдай китобни боши узра кўтарди... шиддат билан отилган китоб эшикка борган Кудратхўжанинг елкасига тегиб, гурсиллаб полга тушди...».

Романда Нормурод Шомуродов ва Кудратхўжа ораларидаги бундай тўкнашувларда голиб хам, маглуб хам йўк. Бу зиддият асарда шўролар давридаги миллатнинг ва тарихнинг фожиаси сифатида намоён бўлади.

Азмиддин Носиров.

